220396

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 20 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 20 (6717)

Марҳабо улуғ кун — Ассалом, Наврўз!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БОРИС ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Борис Николаевич!

Узбекистон халқи Россия Федерацияси Давлат Думаси 1996 йил 15 март куни Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарорни ташвиш билан кутиб олди.

Аслини олганда, бу қарор собиқ СССРни, коммунистик мафкурани қайта тиклашга, тоталитар тузум ҳамда 1991 йилда Россия халқи томонидан ҳам, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқи томонидан ҳам якдиллик билан рад этилган эски ақидаларга қайтишга даъват этишдан бошқа нарса эмас. МДҲ муқобили йўқ ҳамжамият бўлиб, унда Россияга ҳақли равишда етакчи ўрин ажратилганига бизнинг ишончимиз комил.

Ўзбекистон қатъий равишда мустақиллик йўлини, барча давлатлар, биринчи галда Россия билан, асрлар давомида дўстлик ва қардошлик ришталари билан ўзаро боғланган Россия халқи билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш йўлини танлаб олган.

Биз Россия 1991 йилда танлаган йўл — янгиланиш, демократик ислоҳотлар, суверен демократик мустақил давлат қуриш йўли, бу йўл фаровонлик, улкан табиий, моддий, маънавий ва ақлзако салоҳиятига эга бўлган халқнинг ҳаётини тўкис қилиш йўли эканига қатъий аминмиз.

Муҳтарам Борис Николаевич!

Сиз, Россиянинг Президенти ва барча демократик кучлар, Россия жамиятини янгилаш тарафдорлари қўллаб-қувватловчи тан олинган етакчиси сифатида Россияни эски, умрини яшаб бўлган тузумга қайтаришга интилаётган турли сиёсий доираларга муносиб зарба берасиз, Россия ислоҳотлар йўлидан дадил бораверади ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, деб қатъий ишонамиз.

Эҳтиром билан,
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Баҳор сайллари — миллийлик рамзи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ БАЁНОТИ

1996 йил 16 март куни Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессияси бўлди. Ушбу сессияда сўзга чиққан давлатимиз бошлиғи Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ Совет Иттифоқини тиклашга қаратилган қарорига Ўзбекистон Республикасининг муносабатини баён қилиб берди.

Президент Россиядаги ҳозирги вазият бу мамлакатдаги сайловолди эҳтиросларидан ва авж олгани билан изоҳланишини таъкидлади. Маълумки, собиқ СССРнинг тугатилгани Россия Президенти Ельцин, Украинанинг собиқ Президенти Кравчук ва Беларусь давлатининг собиқ бошлиғи Шушкевичнинг 1991 йил 8 декабрда Беловеж ўрмонида бўлиб ўтган учрашувида расмий жиҳатдан эълон қилинган эди. Ушанда улар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганини ҳам эълон қилдилар.

Президент Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги қарор ҳамдўстлик иштирокчилари бўлган барча давлатлар парламентлари томонидан тасдиқланганини айтди. Россия парламенти бу қарорни 1991 йилда тасдиқлаган.

1996 йил 15 март куни Россия Федерациясининг янги чақириқ Давлат Думаси коммунист депутатларнинг ташаббуси билан Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор собиқ СССРни қайта тиклашга даъват сифатида қабул қилинмоқда.

Россия Федерацияси Давлат Думаси ўз қарорини ҳуқуқий жиҳатдан асосламоқчи бўлиб, 1991 йил 17 март куни ўтказилган иттифоқ референдуми натижаларини, яъни беш йил олдинги воқеани далил қилиб келтиради: ўшанда собиқ СССР фуқароларининг кўпчилиги иттифоқни сақлаб қолиш учун овоз берган эмиш.

Президент Ислом Каримов Россия Президенти Борис Ельциннинг Россия парламенти қуйи палатаси қарорининг асоссизлиги ва ноҳақлиги тўғрисида телевидение ва матбуот орқали айтган фикрини, унинг Федерация Кенгаши ва Россия Президенти Давлат Думасининг бундай қарорини тасдиқламаслиги ҳақидаги баёнотини қўллаб-қувватлади.

Шуни айтиш керакки, деди мамлакатимиз раҳбари, Давлат Думаси ўз қарорини барча собиқ СССР республикалари халқларининг яна бирлашишга умумий истаги деб курсатиб, ўз ваколатлари доирасидан четга чиқмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқининг фикрини ифодалаб, 1991 йил август воқеаларини, машъум ГКЧП аъзоларининг давлат тўнтариши қилишга уринишларини эслатиб ўтди. Ўзбекистон ўша пайтдаёқ, яъни 19 август куни ўз тараққиёт йўли, озодликка эришишга қатъий аҳду паймони ҳақида, ҳар қандай ГКЧП ва уларнинг қарорлари Ўзбекистон учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги тўғрисида қатъий маълум қилган эди. Ушандаёқ Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли борлиги қатъият билан эълон этилган эди.

Узбекистон жамоатчилиги, бутун халқи бу фикрни тўла қўллаб-қувватлаган эди.

Ислом Каримов МДҲ тузиш ва собиқ СССРнинг парчаланиш тарихига қайтиб, Ўзбекистоннинг давлат мустақил-

(Давоми 3-бетда)

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ – МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Улуғ айём — Наврўз байрами арафасида, униш, ўсиш ва улғайиш фаслида сизларни сиҳатсаломат, бардам ва яхши кайфиятда кўриб турганимдан ғоят хурсандман. Хоразм аҳлини, бутун Ўзбекистон халқини бу қутлуғ сана билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Янги йилимиз эзгуликлар йили, юксалиш йили, қут-барака, фаровонлик ва тинчлик-осойишталик даври бўлсин.

Якунланган 1995 йил мамлакатимизнинг мустақил тараққиёти йўлида муҳим босқич бўлди. Жумладан, у Узбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган, ишлаб чиқаришнинг пасайиши бутунлай тўхтатилган, халқимизнинг турмуш шароити барқарорлаша бошлаган, ҳуқуқий давлатнинг демократик тамойиллари чуқурлашган йил сифатида ёдимизда қолади.

1995 йилда ислоҳот жараёнлари ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олди, турмуш тарзимиз ва онгимизга чуқурроқ кириб борди. Боқимандалик кайфиятлари чекина бошлади. Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатлари йўлидаги тўсиқлар камайди. Давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида дастлабки ютуқларга эришилди. Бу ҳақда яқинда Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда батафсил гаплашиб олган эдик.

Юртимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги республикамиз иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги туб ислоҳотлар муваффақиятига асосий кафолот бўлди. Бу натижалар энг аввало дунёқарашимиздаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Фидойи, меҳнаткаш, танти халқимиз мустақиллик ва мамлакатимизнинг буюк истиқболига интилиб, Ватаннинг қадру қиммати, миллатнинг шаъни эканини англаб, истеъдодини, бутун имкониятини, бутун кучини эзу юрт истиқболига бахшида этмоқда.

Биз иқтисод ва маънавиятни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Чунки иқтисодий таназзулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлашади. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди.

Ана шу жиҳатдан қараганда, Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм учоқларидан бири экани қувончли ҳодиса.

Хоразм вилояти заминида камол топган не-не алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёга таратган. Буюк аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа унлаб буюк инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун муътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хева шаҳри тарихи билан боғлиқдир.

Хева шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО бош конференциясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида Парижда бўлиб ўтган 28-сессияси Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон ҳукумати бу халқаро ҳужжат асосида ўзининг махсус қарорини қабул қилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуди 660 йиллигининг кенг нишонланиши ва 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши ҳам ўзбек маданияти, маънавияти ва тарихининг жаҳон саҳнида тутган муносиб ўрнини яққол кўрсатади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аждодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Худди ана шу қадриятлар ўтиш даврининг қийинчилик ва мураккабликларидан бизни асрамоқда, мадад бўлмоқда.

Айни вақтда миллатимиз, халқимиз, шу жумладан, мард ва танти хоразмликлар ҳам ўз меҳнатлари ва фидойиликлари билан она юртимизнинг ҳар томонлама равнақига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бироқ бугун фурсатдан фойдаланиб, Хоразм халқининг оғир меҳнатини, заҳматкаш ва мислсиз бунёдкорлик фазилатларини чуқур эътироф этган ҳолда, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ва ҳал этилиши зарур бўлган айрим муаммолар тўғрисида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят аҳли бир қанча ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, халқ хўжалиги тармоқларида мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлмоқда. Кўпчилик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилган. Бироқ иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва кадрлар билан ишлаш борасида қатор муаммолар, хато ва камчиликлар ҳам бор.

Улар нималарда кўринади?

Аввало, хусусийлаштириш ва кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантиришда юзакичилик, унинг моҳиятига чуқур етиб бормаслик ҳоллари мавжуд. Вилоятнинг Дружба шаҳри, Гурлан, Шовот, Урганч туманларида асосий ҳудудий дастур бўйича давлат корхоналарини хусусийлаштириш режалари бажарилмаяпти.

Вилоятда қўчмас мулк ва қурилиши тугалланмаган объектларни сотиш бўйича белгиланган топшириқлар ҳам бажарилмаган. 1995 йили бор-йўғи қурилиши тугалланмаган 8 та объект сотилган, холос.

Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг ўз вақтида келиб тушмаганлиги оқибатида вилоят бизнес-фондидан бор-йўғи 17 та корхонага кредит берилган.

Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш бозор иқтисодиётининг асосидир. Биз ана шундай кичик, аммо самарали соҳани ривожлантирмас эканмиз, кўзлаган мақсадимизга етиш қийинлашади.

Хоразм — азалдан тадбиркорлар, ишбилармонлар юрти. Бироқ кейинги йилларда бу ерда оқсаш юз бермоқда. Биз мустақилликнинг дастлабки йилларида бу ерга келиб, 1992 йилдаёқ қурилган дўкон расталари, тадбиркорлар ишини кўриб, бутун мамлакатга ўрнак қилиб кўрсатган эдик.

Афсуски, ўтган уч йил давомида иш суръати жуда сустлашиб кетди. Айниқса, вилоятнинг Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Янгибозор туманларида аҳвол ачинарли, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бош-

(Давоми 2-бетда)

Баҳор дунё халқларига янгиланиш, гўзаллик билан боғлиқ Наврўз каби кўплаб байрамларни олиб келади. Тошкент Давлат шарқшунослик институтида япон тилидан дарс бераётган ўқитувчи Анжо Атсуши билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

Дил изҳори

СУМАЛАКМИ? ЖУДА ЁҚДИ,

дейди японияли Анжо Атсуши

— Анжосан, айтинг-чи, Ўзбекистонга келиб дарс ўтишингизга нима сабаб бўлди?

— Биласизми, устозим Сакамуто Хиидэаки 1994 йили Ўзбекистонда бўлиб қайтгач, менга Тошкентда дарс беришни маслаҳат қилди. Шу баҳона мамлакатингизга келиб қолдим. Мени ўзбек халқининг маданияти, урф-одатлари жуда қизиқтиради. Самарқандда Регистон ва айниқса Хивада ажойиб биноларни кўрдим. Хивадаги Ичонқалъа бутун бир шаҳар экан.

— Ўзбек ва япон маданиятида ўхшашликлар борми?

— Ҳа, менимча, кўп. Мен жуда ҳайрон қолдим. Масалан, ўзбеклар қишлоқ жойларида қишда сандал қилиб ўтиришаркан. Бизда эса буни Кототсу дейишади. Қаранг, уларнинг ҳеч қандай фарқи йўқ экан. Яна бир нарса. Бизда боланинг тиши тушса томга отиб юборишади. Сизларда ҳам шундай одат бор эканлигини эшитиб ҳайратга тушдим.

Мен ўтган йили Наврўз билан ҳам яқиндан танишдим. Айтганча, диплом ишимни ҳам Наврўз ҳақида ёзганман. Японияда 21,22 ёки 23 мартда Шунбуннохи байрами нишонланади. Бу «Кунларнинг баҳорги фарқи» дегани. Японлар байрам кунлари, худди сизлардагидек, қариндошларини йўқлашади, қабристонларни зиёрат қилишади. Лекин Ўзбекистонда Наврўз жуда ўзига хос нишонланар экан.

— Наврўздаги катта хурсандчиликлардан бири сумалак. Сумалак сизга ёқдими?

— Ҳа, сумалакми, жуда ёқди. Мен сумалакнинг пиширилишини ҳам кўришни хоҳлардим. Бутун бир оқшом пишириладиган бундай таом жаҳонда бошқа йўқ.

— Айём арафасидаги тилакларингиз?

— Ўзбек халқини ҳамда япон халқини Наврўз ва Шинбуннохи байрамлари билан табриклайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари йўли Наврўз йўлларидек ёруғ ва гулларга бой бўлсин!

Ойбек суҳбатлашди.

МММ — ХАБАРЛАРИ

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

Яқинда республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази қошидаги бичиш-тикиш ҳамда техник тўқиш тўгараги қатнашчилари ўртасида «Балли, қизлар!» мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашув шартига кўра, қизлар турли хилдаги салатлар тайёрлаш, уй-рўзғорга оид саволларга тез жавоб айтишда ўзларининг чаққонлигу зукколикларини яна бир бор намойиш этишди.

Баҳсу тортишувларга ниҳоятда бой ўтган мазкур мусобақада техник тўқиш тўгараги қизлари ғолиб бўлишди.

ХАЙРЛИ ҲАФТАЛИК

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига жавобан Булоқбоши туманидаги 25-ўрта мактабда металл тўплаш ҳафталиги ташкил этилди. Мактабнинг 9-»В» синф ўқувчилари 1840 кг металл йиғиб, ҳафталик пешқадами бўлишди.

СОҲИБҚИРОН ПАРТАСИГА ДАЪВОГАРЛАР

Шуманай туманидаги 14-мактабнинг ҳар бир синф хонасида Амир Темур партаси ташкил этилди. Албатта, мазкур тадбир ўқувчи билимдонлигини ошириш, мактабда имкони борича намунали хулқка кўпроқ эришиш мақсадида мактаб раҳбарияти томонидан ўйлаб топилган эди.

Ҳозирги кунда эса бу партага йил бўйи эгалик қилиш истагидаги «даъвогар ўқувчи»лар кескин кўпайиб кетди.

МУЗЕЙДА АКТЁРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Юнусобод туманидаги Олим Хўжаев номли мактабда марҳум актёрнинг ҳаёти ва фоалиятини ёритиб берувчи музей ташкил этилган бўлиб, унда асосан актёримизнинг саҳна ҳолатидаги турли хил кўринишлари акс этган фотосуратлар, ижро этган роллари ёзилган магнит лентали сақланади.

Яқинда Ҳамза театри ижодкорларидан Р. Иброҳимова, Я. Абдуллаева, С. Умаров, Т. Тожиевларнинг мактаб ўқувчилари ҳузурига келиб, Олим Хўжаев яратган роллардан монолог ва парчалар ижро этиб берганликлари ҳам барчанинг ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Яқинда Тайлоқ туманидаги 30-ҳамда 41-ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида жаҳонгир Амир Темурнинг қутлуғ тўйига бағишланган билимдонлик ва зукколик мусобақаси бўлиб ўтди.

Қизиқарли ўтган мазкур беллашувда 30-мактаб ўқувчилари ғолиб бўлишиб, туман халқ таълими ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва педагоглар жамияти таъсис этган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ГУБАЛАКЛИК ШАХМАТЧИ ҚИЗ

Яқинда Нукус шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича Ўзбекистон спартакиадасида Косон туманининг Губалак қишлоғидан етишиб чиққан, айни кунда Қарши давлат педагогика билим юрти талабаси Дилафрўз Холмўминова 12 та ютуққа эришиб, тўплаган очколар бўйича биринчи ўринни эгаллади. Билим юрти маъмурияти маҳаллий қизлар орасидан Дилафрўзнинг биринчи бўлиб шундай муваффақият қозонганлиги билан қизғин табриклаб, унга қўшимча бир ойлик стипендия ва раҳматнома эълон қилди.

Муаллифлар: Л. Тўхтаева, К. Эргашев, Ғ. Ёқубов, З. Муҳаммаджонов, Э. Кенжаев.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ — МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР

(Боши 1-бетда)

қармаси, бизнес-фонд, банк бўлимлари томонидан етарли эътибор ва зарур ёрдам кўрсатилмаганлиги натижасида 1995 йилда вилоятда рўйхатдан ўтказилган жами корхоналардан 2700 га яқини ёки ҳар уч корхонадан бири фаолият кўрсатмаган.

Урганч шаҳрида кичик, хусусий ва бошқа корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, ссуда пуллари, уларнинг ундирилиши ва бошқа ишлари ўрганилмасдан, «фаолият кўрсатмаяпти» деган асосда давлат реестридан тушириш тўғрисида ноқонуний қарорлар қабул қилинган.

Кичик, ўрта ва хусусий корхоналарни ташкил этишда бирёқламалик кўзга ташланади. Улар ўз низомларида кўзда тутилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўрнига кўпроқ олди-сотди, воситачилик билан шуғулланишдан нарига ўтмаётир.

Ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётига эришишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашимиз мумкин. Бу ҳақда халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида ҳамда мамлакат Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида айтиб ўтилди.

Бу ерда яна бир бор такрор айтмоқчиман: саноатни қишлоқ жойларга олиб бориш, уни кенг ривожлантириш, янги кичик ва ўрта корхоналарни қуриш ва қўшимча иш жойларини яратиш билан чекка жойларда яшаётган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш керак. Аҳоли усишини ҳисобга олсак (вилоятда бу кўрсаткич 3 фоизни ташкил этади) бу тадбир нақадар муҳим ва долзарб эканини англаш қийин эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхоналарни ташкил этиш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мавжуд қўшма корхоналарнинг самарадорлиги паст. Ҳатто уларнинг учдан икки қисми ўз фаолиятини турли сабаблар билан тўхтатиб қўйган.

Урганч шаҳридаги Узбекистон-Жанубий Корея «Савдо уйи», Қўшкупир туманидаги «Диёр», Дружба шаҳридаги «Питнак» ўзбек-турк қўшма корхоналари икки йилдан буён ишламаяпти.

Бунинг сабаби нимада? Нега хорижликлар катта умид билан келишади-ю, кўп ўтмай ноумид бўлиб қайтиб кетишади? Улар ё турли расмиятчилик, тўрачилик тўсиқларига, ё таъмагирлик иллатларига учрамоқдалар. Айрим раҳбарлар узларининг шахсий нуқсонлари билан халқ ризқини кесмоқдалар.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 40 мингдан зиёд фойдали меҳнат билан банд бўлмаган киши бор. Энди бунга қишлоқ хўжалигидан озод қилинадиган ортиқча ишчи кучларини қўшинг. 1995 йилда меҳнат бўлимларига 13672 киши мурожаат қилган, 9734 киши иш билан таъминланган.

Адолат нуқтаи назаридан айтиш лозим:

Кейинги йилларда Хоразмда саноатнинг ривожланиши кўзга ташланмоқда. 1995 йилда вилоят саноат корхоналари томонидан 1994 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 29 фоиз кўпайтирилди. Умумий саноат маҳсулотининг асосий қисми давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқарилган. Бироқ, бу умумий кўрсаткичнинг орқасида ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда барқарорлик мавжуд эмас. Кўпчилик саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига йўл қўйилмоқда. Баъзилари эса ўз фаолиятини тўхтатиб қўймоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсганлигига қарамай, зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт, нон ва кондитер, ун ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги бизни ташвишлантирмоқда.

Умуман, вилоятдаги 12 туман ва шаҳардан 8 тасида, жумладан, Хева шаҳри, Урганч, Қўшкупир, Ҳазорасп туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайтириб юборилган.

Вилоятдаги энг катта саноат корхоналари ҳисобланган «Хева гилами» ҳиссадорлик жамияти 1995 йилда 1994 йилга нисбатан 28 фоиз, Урганч шаҳридаги «Ширин» ҳиссадорлик жамиятида эса 56 фоиз маҳсулот кам ишлаб чиқарилганини қандай тушуниш мумкин?

Капитал қурилиш соҳасидаги сансалорлик, айниқса, боқимандалик кайфияти вилоятда сурункали касалликка айланган. Маҳаллий раҳбариятнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги натижасида қурилишни маблағ билан таъминлашда турли молиявий манбаларни қидириб топиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Республика бўйича капитал маблағларнинг 67 фоизи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига ва халқ хўжалиги тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлса, Хоразм вилоятида эса шу мақсадларга жами маблағларнинг 49 фоизи ажратилган.

Мамлакатимиз олдида янги технологияларни яратиш, маънавий ва жисмоний эскирган ускуналарни жаҳон стандартларига мос дасттоҳлар билан алмаштириш вазифаси турибди. Шунга асосан янги ускуналар сотиб олиш ва ўрнатишга аталган капитал маблағлар ҳажми кескин оширилмоқда.

1995 йилда шу мақсадлар учун республика бўйича жами маблағларнинг 30 фоиздан кўпроғи ажратилгани ҳолда, бу кўрсаткич Хоразмда атиги 8 фоизни ташкил этади.

Вилоят раҳбарияти капитал қурилишни вилоятнинг ўз кучи ва имкониятларидан узлаштирмасликни чидаб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайман. Масалан, Туямўйин-Урганч сув қувури қурилишига ажратилган маблағнинг атиги 39 фоизи узлаштирилганлиги кечирилмас ҳолдир.

Вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш масалалари билан деярли ҳеч ким шуғулланмаяпти. 1994 йилда 796 минг сўмлик чет эл инвестицияси узлаштирилган бўлса, 1995 йили бу кўрсаткич 128 минг сўмни ташкил этди.

Бозор муносабатлари ривожланаётган бир даврда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган талаблар бор. Булар, аввало, маҳсулот сифатини ошириш, рақобатга чидамли маҳсулот ишлаб чиқариш, нархини камайтириш, истеъмолчиларнинг талаб-истакларини ўрганиш, улар билан бевосита алоқалар боғлашдир.

Мана шу масалаларга етарли эътибор берилмагани оқибатида саноат корхоналари омборларида қарийб 3 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан турибди. Бу нима деган гап?

Республикамизда бозор муносабатлари ривожланиши баробарида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу тадбирларни амалга оширишимизда асосий мақсад — мамлакатимизда мулкдорлар сафини кенгайтириш. Чунки мулк эгаси ҳеч қачон қўлидаги мулкка иқбал қилмайди, авайлайди, уни ўз моддий фаровонлигининг манбаи деб билади.

Жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Акциядорлар ўз улушларининг моҳияти ҳақида тўлиқ тушунчага, ўз пайларига мувофиқ олишлари лозим бўлган дивидендлар миқдори тўғрисида етарли маълумотга эга эмас.

Умуман олганда, 1995 йил якунига кўра акция сотган корхоналарнинг 30 фоизи сотилган акциялари учун дивиденд тўлай олмади! Жумладан, Хева сут, Янгибозор агрохимсервис, Урганч туман тайёрлов-сотиш ҳиссадорлик жамиятлари, Боғот агроқурилиш механизациялашган қўчма колоннаси ва бошқа ташкилотлар бу соҳада оқсамоқдалар.

Бундай нохуш аҳволни қандай изоҳлаш мумкин? Бу аҳоли ўртасида қимматбаҳо қоғозларга бўлган ишончни йўқотиш эмасми? Бу бутун иқтисодий ислоҳотларимиз обрусини, самарасини ҳам пасайтирадиган, айни пайтда кечириб бўлмайдиган ҳол-ку!

Банклар, солиқ идоралари ва ҳокимларнинг таъсирчан чоралар кўрмаганлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга эътиборсизлик билан қараётганликлари натижасида вилоятда пул эмиссияси ортиб бормоқда. Йил якунига кўра вилоятда эмиссия миқдори 64 фоизга етди. Бу режалаштирилган миқдорга нисбатан 42 фоиз кўп демакдир.

Боғот, Янгибозор, Қўшкупир туманлари ҳокимликларининг бу соҳадаги фаолиятини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Келинг, яхшиси рақамларга мурожаат қилайлик.

Эмиссия миқдори Боғотда 77,6 фоизни, Янгибозорда 80,1 фоизни, Қўшкупирда 85,5 фоизни ташкил этади. Ана энди мазкур туманлар ҳокимлари ўз фаолиятларига ўзлари баҳо беришсин.

1995 йил якунлари бўйича вилоятда чакана савдо обороти 1994 йилга нисбатан 88,5 фоизни ташкил этган, Дружба шаҳри, Хева, Боғот туманларида эса қарийб икки баравар камайиб кетган.

Мен Олий Мажлис сессиясида қишлоқ аҳолиси учун маиший хизмат шохобчаларини кенгайтириш масаласига алоҳида тўхтаган эдим. Бу жуда муҳим масала. Бу турмуш тарзимизни, маданий савиямизни белгилайдиган ҳодиса. Бироқ, вилоятда маиший хизмат шохобчалари аҳоли эҳтиёжига нисбатан 2-4 баробар кам ташкил этилган.

Вилоятда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Ўтган йили аҳолига жами 530 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган, бу кўрсаткич 1994 йилга нисбатан таққосланган нархда 52 фоизни ташкил этади. Жон бошига маиший хизмат кўрсатиш вилоят буйича бор-йўғи 70 сумга тўғри келмоқда.

Вилоятдаги 124 та ҳаммомдан 43 таси ишламайди. 13 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Қўшкупир туманидаги Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалиги ҳудудида битта ҳаммом бор, у ҳам ишламай турибди. Бундай мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Ҳурматли депутатлар!

Диққатингизни бир далилга тортмоқчиман. 16-асрда, Ҳожибхон замонида Хева хонлигида жами 800 минг, Хева шаҳрининг узида эса 18-20 минг одам яшаган.

Уша замонда Хева шаҳрида 3 та катта очиқ бозор, 1 та тим, яъни ёпиқ бозор, 15 та бозорча, 3 та катта ҳаммом, яна йигирмата масжид-мадрасанинг ҳар бирида тўла жиҳозланган ҳаммом мавжуд бўлган, яъни жами 23 та ҳаммом хизмат қилган. Ҳозирги кунда 52 минг одам яшаётган Хева шаҳрида ҳаммаси бўлиб 4 та ҳаммом, битта бозор ишлаб турибди, холос.

Буни қандай тушуниш мумкин?

Аҳоли сони ўсган, дунёқарашимиз ўзгарган, турмуш тарзимизни жаҳон андозаларига мослаштираётган бир пайтимизда бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин?

Маиший хизмат соҳасини ривожлантириш вилоят, туман, хўжалик раҳбарларининг зиммасига юклатилган. Ҳар бир раҳбар ўз ташкилоти ҳудудида аҳоли учун қулай яшаш шароитини яратиш учун жавобгар. Буни тан олмайдиган ёки тушунмайдиган кишининг раҳбар бўлиб ишлашга маънавий ҳаққи йўқ.

Ҳурматли дўстлар!

1995 йилда вилоят меҳнаткашлари деҳқончиликда юқори ҳосилдорликка эришиш, чорва маҳсулдорлигини ошириш ва аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш борасида фидокорона меҳнат қилдилар. Давлатга пахта сотиш режаси барча туманларда ошириб бажарилди.

Кези келганда яна шуни алоҳида таъкидлашим керакки, биз деҳқончиликда туб ўзгаришлар ясашимиз даркор. Бу ҳақда яқинда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам гапирган эдим. Энди мамлакат турли минтақалари табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, меҳнат сарфи ва унинг қийматини белгилаш тизимини яратишимиз керак.

Ер шароити ўта ёмон бўлган зоналарни аниқлаш, мазкур зоналардаги хўжаликларга ёрдам бериш тизимини ишлаб чиқишимиз даркор. Деҳқончиликда эскилик сарқити сифатида ҳозиргача мавжуд бўлган «тенглик» иҳтимоий ва иқтисодий адолат тамойилларини қўпол равишда бузишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Энди бунга чек қўйиш керак. Ана шунда деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ошади!

Шу ерда яна бир масала хусусида гапириб ўтишни лозим топаман. Биз умуман деҳқон, деҳқончилик ва ерга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Илгариги жамоачилик, умумий манфаатдорлик кайфиятидан тезроқ қутулиб, ҳар қарич ер ризқу рўзимиз манбаи эканлигини, ундан шахсий манфаатдор бўлаётганимизни чуқур англамоғимиз даркор.

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Зотан, азалдан шарқда яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган! Келинг, энди аждодларга муносиб бўлиб, қутлуғ анъаналарни бойитайлик!

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш натижасида мулк ҳақиқий эгаси қўлига ўтиб, мол-кол маҳсулот етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳукумат қарорлари асосида вилоятда 40 дан зиёд давлат хўжаликлари мулкчиликнинг нодавлат шаклларига ва 110 та чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Айни пайтда 878 деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда кузланган натижани бермаяпти. Хусусан, ўтган йили галла етиштириш буйича топшириқлар барбод бўлди. Режалаштирилган 55 минг тонна урнига зўрга 38 минг тонна буғдой етиштирилди.

Республикамиз аҳолиси учун зарур бўлган шоли етиштириш ва давлатга сотиш режасини бирорта ҳам туман уддалай олмади. Дон ва шоли ҳосилдорлиги Урганч, Ҳазорасп туманларида 5, Хонқада 10, Хева, Янгибозор, Шовот туманларида 4—8 центнерга камайиб кетди.

Вилоятда бу кўрсаткич асосан ердан унумли фойдаланмаслик, илғор тажрибаларга суянмаслик, лоқайдлик ва меҳнатга муносабатнинг бўшашганлиги, раҳбар кадрларнинг эса жавобгарлик ҳиссси камайганлиги оқибатида рўй бермоқда.

Ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотларнинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган чорвачилик фермалари фаолиятини ташкил этиш борасида жиддий хатоларга йўл қўйгани туфайли моллар сони 14,4 минг бош камайган. Бу хўжаликларда сут, гўшт етиштириш ва сотиш эса 1995 йилда аввалги йилга нисбатан пасайтириб юборилган. Ҳар юз бош сигирдан бузоқ олиш 6 тага камайган.

Вилоятда фермер хўжаликлари сонининг ўсишига қарамасдан, уларнинг улуши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмида сезиларсиз бўлмоқда.

Энди биз қишлоқ жойларда пайчиликни, хўжалик аъзоларининг умумий мулкдаги улушига қараб ҳақ олиш тизимини ривожлантиришимиз, хўжаликдар равнақини таъминлашнинг турли шаклларидан фойдаланишни йўлга қўйишимиз даркор. Умуман биз қишлоқ хўжалигида энг замонавий, энг халқчил ва тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчининг манфаатига мос келадиган усулларни эгаллашимиз лозим.

Шу ерда бир амалий таклифни яна такрорламоқчиман. Қани, ораларингизда билимдон, мард ҳокимлар бўлса, уларнинг ҳар бири битта ёки иккита хўжаликни пай услубига ўтказиш, бу янги усулнинг самарасини амалда исботлаш учун майдонга чиқсин!

Ҳар бир ҳоким белни маҳкам боғлаб, ишга ижодий ёндошиб, янги усулни амалга оширишда яхши тажриба орттириб, узининг энг оқил ва тадбиркор раҳбар эканини бутун мамлакатга, халқимизга намоён қилсин.

Ҳурматли депутатлар!

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш нафақат тиббий, балки ижтимоий, сиёсий муаммо ҳамдир. Маълумки, ҳукумат мамлакатда физкультура ва спортни такомиллаштириш, айниқса, энг оммавий спорт тури бўлган футболни ривожлантириш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилди.

Энди биз футболчиларнинг янги авлодини тайёрлашимиз ва тарбиялашимиз лозим. Ватанимиз спортининг халқаро нуфузини ошириш борасида кўп ишлашимиз лозим.

Спортнинг халқаро нуфузи дегани аслида нима ўзи? Спортимиз дунёга машҳур бўлса, демак, халқимизнинг ўзи ҳам барча мамлакатларга машҳур бўлади, нуфузи ошади, жаҳон аҳли кўнглида қизиқиш ва ҳавас уйғотади.

Шу ўринда ўтган йили Хитойга қилган сафаримизни яна бир марта эслаб ўтмоқчиман. Расмий сафар арафасида миллий футбол командамиз хитойлик рақибларини енгиб, Осиё чемпиони бўлган эдилар. Сафар чоғида бизнинг делегациямизни хитойликларга таништиришга эҳтиёж туғилгани йўқ. Қаерга бормайлик, — ҳукумат қабулидан тортиб, оддий фирмалар жамоасига қадар, — ҳамма-ҳаммаси бизнинг футболчиларимиз ютуғини албатта эслатиб ўтишди.

Сиз энди бир тасаввур этинг. Хитойда салкам бир миллиард икки юз миллион одам яшайди. Биргина футбол ўйини туфайли бизнинг ёш мустақил давлатимизни дунё аҳолисининг бешдан бир қисми таниди, билди, бизга ҳавас қилди!

Биз жон қуйдириб, диёримизда спортни равнақ топтиришга шунчалик катта эътибор бераётганимизнинг боиси ҳам ана шунда. Яна такрор айтаман: спорт туфайли соғлом авлодлар вужудга келади ва мамлакат шуҳрати жумлаи жаҳонга тарқалади.

Ўтган йили Урганчнинг «Динамо» жамоаси олий лига таркибига кирди. Бу сўзсиз катта муваффақият. Бироқ бу вилоят спортида муаммо йўқ, деган гап эмас. Биз мамлакатнинг ҳар бир туманида қайсидир тур буйича голиблар булишини хоҳлаймиз.

Яна бир ойдан кейин катта мусобақаларни бошлаймиз. Ана шу спорт қуригида барча туман ва шаҳарлар вакиллари иштирок этиши лозим. Бу олис иқтиқболни кузлаган Узбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлидаги амалий иш. Халқ соғлигини, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш энг асосий вазифалардан биридир. Биз ҳеч кимнинг тақдирига ҳеч қачон бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Республикамизда ёш авлод саломатлиги ҳақида қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Бу ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан оналар ва болалар саломатлиги ҳақида кўпроқ ўйлашни, кўпроқ ишлашни тақозо этади. Шу боислан ҳам оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, хизмат турлари сонини кескин кўпайтириш лозим. Вилоятда аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз. Бугунги кунда вилоятда умумий касалланиш даражаси ўртача республика кўрсаткичидан 1,3 баробар юқори.

Муҳим ижтимоий масала, яъни қишлоқ аҳолисининг 45 фоизи, шаҳарлар аҳолисининг 20 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳал этилмагани.

Касалхоналар ва поликлиникаларни тиббиёт техникаси билан таъминлаш ҳам қониқарсиз аҳволда. Мавжуд диагностика аппаратлари эскириб, яроқсиз аҳволга келган. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида кейинги 5 йил ичида бирорта ҳам санитар машинаси олинмади.

Айтинглар-чи, юқорида келтирилган фактлар экологик жиҳатдан ниҳоятда қийин минтақада жойлашган вилоят учун тўғри келадими? Бунинг учун ким жавоб бериши керак? Маҳаллий раҳбар ташкилотлар нима билан шуғулланаяпти?

Энди бу соҳани ривожлантириш учун барча шаҳар ва туман ҳокимлари, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар халқ саломатлиги ҳақида жиддий бош қотиришлари лозим.

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.

Биз ёш авлодни болалар боғчасига қатнаётган давридан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган шарқ педагогикаси, умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашимиз лозим. Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида, бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир. Уларга чет тилларни мукаммал билиб олишлари, унда эркин мулоқот қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг жаҳон миқёсига чиқишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тўғрисини айтиш керак, халқ таълими муассасалари ўз ишини янгича шароитларда ниҳоятда секинлик билан қайта қурмоқда. Бу бевосита Хоразм вилояти халқ таълими раҳбарларига ҳам тегишли.

1994-95 ўқув йилида вилоятда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларнинг ҳар беш нафаридан бир нафари ҳанузгача иш жойларига етиб келгани йўқ.

Ваҳоланки, ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида 780 нафар ўқитувчи етишмайди. Математика, информатика, узбек тили, физика, химия, тарих фанлари ўқитувчиларига эҳтиёж ниҳоятда катта.

Вилоят буйича болаларни боғчаларга жалб этиш 20 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 12 фоиз камайган. Ҳозирги кунда 4490 ўринга эга бўлган 53 та болалар боғчаси ёпиб қўйилган. Мавжуд ишлаётган боғчаларнинг ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Уларнинг аксарияти Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли.

Хонқа тумани «Хоразм» жамоа хўжалигидаги боғчалар текшириб кўрилганда, биноларнинг яхши иситилмаслиги, сув йўқлиги, 90 ўринга мўлжалланган «Пахтаой» номли боғчада атиги 30 нафар бола борлиги, тайёрланаётган овқатларнинг сифатсиз экани аниқланди, болалар сариёғ, гўшт истеъмол қилмаяпти. Аксарият мактабгача тарбия муассасаларида идиш-товоқлар етишмайди.

Жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Р. Шаников эса ўтган йили 7 миллион сум фойда олганига қувониб юрибди. Болалар боғчалари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари аҳволидан хабар олиш, уларга кўмаклашиш, муаммоларини ҳал этиш ҳам раҳбар зиммасида-ку!

Фақат режа кетидан қувиб, катта даромад олингани билан кеккайиб юриш замони ўтиб кетди. Ҳозирги раҳбар хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаши керак. Ёнида пули бўлиб, ундан фойдаланишни билмаган раҳбарни ёки бойлигини фарзандидан қизғанган отани қандай баҳолаш мумкин?

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти тизимнинг ҳозирги аҳволи билан ҳар томонлама етук, янгича фикрлайдиган, янги технологияларни жорий эта оладиган, маънавий-руҳий жиҳатдан замонавий соҳаларда фаолият кўрсата биладиган ёшларни тайёрлашга қодирми?! Афсуски, йўқ! Биз бу соҳадаги фаолиятимизни бутунлай ўзгартиришимиз, жаҳоннинг энг илғор тажрибалари билан Шарқ педагогикаси анъаналари уйғунлашган мукаммал тизим яратиб, дастур ишлаб чиқишимиз лозим.

Вилоятдаги аксарият кутубхоналарнинг иши бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган адабиётларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш ва тарғиб қилиш йўлга қўйилмаган. Мустақилликка хизмат қиладиган илмий-оммабоп китоблар йўқ ҳисоби.

Хонқа тумани ҳокимлиги биносининг олдида жойлашган кутубхонада ҳамон КПССнинг турли съездлари материаллари, уз аҳамиятини аллақачон йўқотиб бўлган сиёсат ва иқтисодиёт масалаларига доир адабиётлар аввайлаб сақланмоқда.

Шовот туманининг баъзи жойларида собиқ КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари ҳамон кўз-кўз қилиб қўйилганини, бу ердаги стадион ҳалигача Ленин номида эканлигини қандай тушуниш мумкин?

Бу нима деган гап?! Эски тузумни қўмсашми ёки лоқайдликми? Бу — ўтмишни соғинишми, уни ташвиқ қилишми ёки янгиликни онгли равишда инкор этишми?

Бу туманларда, «Э, оғайни, кўзингни оч, уйғон, замон узгарганига, янги ҳаёт ва янги сиёсат кириб келганига беш йил булаяпти. Тур, қурпанги йиғиштир», дейдиган зот борми?!

Очиғини айтаман: айрим қўшни мамлакатлардаги хаёлпараст «сиёсатдон»лар ўтмишга қайтиш ҳақида сафсаталар тўқишмоқда. Бу орамиздаги баъзи эътиқоди заиф, иймони сўст кишиларни чалғитмоқда. Истиқлолимиз ғанимлари эса шу «заиф» томонларимиздан усталик билан фойдаланишмоқда.

Кези келганда яна такрор ва такрор таъкидлайман: Узбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни амалга ошириш!

Бошқа йўл йўқ! Биз ана шу йўлдан қатъий борамиз! Ундан чекинадиган, унга тусиқ буладиган ҳар қандай кучга қарши турамиз. Шунинг учун биз ношуд, лаёқатсиз ёки онгли равишда ишимизга халақит берадиган кишилар билан келиша олмаймиз.

Ҳурматли депутатлар!

Туризм — содда қилиб айтганда дунёни тушуниш, дунёни англаш, шу билан бирга дунё саҳнига чиқиш демакдир. Биз ана шу муҳим соҳани ривожлантиришимиз, унинг кенг имкониятларидан фойдаланишимиз керак.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хева каби шаҳарларимизнинг 2500—3000 йиллик тарихи бор. Бу — жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлантириш мумкин.

Қолаверса, дунё халқлари юртимизга қанча кўп келса, шунча кўп таниламиз, шунча кўп имкониятларимизни кўрсатамиз. Бунинг учун, энг аввало, меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишимиз, уни жаҳон андозаларига тенглаштиришимиз керак.

Европада шундай мамлакатлар борки, хариталарда кўринмайди. Бироқ ўз аҳолиси сонидан 90-100 баробар кўп сайёҳларни қабул қилади. Фақат шу йўл билан бутун мамлакат тараққиётини таъминлайди.

Бу йил 2500 йиллигини нишонлайдиган Хева шаҳрига эса кейинги тўрт йилда ҳаммаси бўлиб 15 мингдан ортиқроқ хорижлик сайёҳ келган. Бу ўзининг кенг имкониятларини кўрсата билмасликдан, ношудлик ва уқувсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Азиз дўстлар!

Биз ҳуқуқий демократик адолатли давлат қуриш йўлидан бораяпмиз. Биз, мамлакат фуқаросининг кимлигидан қатъий назар, қонун олдида тенглигига, қонун устиворлигига эришишга интиламиз. Афсуски, ҳаёт ҳали бу борада қатор тўсиқларни енгиш кераклигини кўрсатмоқда.

Албатта, бу борада анча-мунча иш қилинди. Жумладан, республикада содир этилаётган жиноятлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Таққослаш учун олганимизда, ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган жиноятлар Россияда 184 та, Қозоғистонда 98 та бўлса, Узбекистонда 30 тани ташкил этади. Хоразм вилоятида ҳам бу соҳада сезиларли иш олиб борилмоқда.

Бироқ бизни ташвишга солаётган айрим ҳолатлар ҳам мавжуд. Вилоятда содир этилаётган жиноятларнинг ярмидан кўпини гиёҳвандлик ва мулкни ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилмоқда. Маълумотлар гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, Дружба шаҳрида, Боғот, Ҳазорасп туманлари ва Урганч шаҳрида кенг тарқалганини кўрсатмоқда. Наркотик моддаларни ташиш ва уни истеъмол қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Фуқаро Е. Мадаминов 30 килограмм миқдордаги наркотик моддани сотиш мақсадида сақлагани учун Урганч шаҳар суди томонидан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ваҳоланки, қонунда 15 йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўрсатилган. Бу иш вилоят судининг ҳайъатида қайта кўриб чиқилиб, тайинланган жазони ноқонуний равишда икки йил муддат қилиб белгиланган.

Вилоятда содир этилаётган жиноятларнинг ярмига яқини гиёҳвандлик билан боғлиқ. Ҳўш, наркобизнесга қарши кураш кучайтирилиши лозим булиб турган бир пайтда вилоят суди ҳайъатининг бундай «муруввати»ни қандай тушунса бўлади? Бу кўнгилчанликми, уқувсизликми ёки инсонпарварлик ниқоби остидаги шахсий манфаатпарастликми?!

Бунинг орқасида фақатгина пора — порахўрлик бор.

Вилоят суди ҳайъатининг хатоси республика Олий суди томонидан тузатилиб, дастлабки суд ҳукми ўз кучида қолдирилди. Энди вилоят суди раиси Ҳ. Жуманиёзов ўзини нима билан оқлайди?

Вилоятда суд жараёнида адолат принципларини мустаҳкам ушламаган, мавжуд қонунчиликни қўпол равишда бузган 10 дан ортиқ судья ўз лавозимларига қайта тайинланмади.

Жиноятларнинг ҳар учтадан биттаси ҳеч қаерда ишламай ва ўқимай юрганлар томонидан содир қилинмоқда. Ўтган йили ҳали 18 ёшга тулмаган 81 нафар ўсмир жиноятга қўл урган. Бу ҳолат тарбиявий ишларнинг суст ва самарасиз эканлигидан дарак беради.

Бедарак йўқолган 24 киши қидириб топилмаган. Олдинги қонунбузарлиги учун судланиб, жазони ўтаган, айниқса, қамоқхонадан озод қилинган шахсларга нисбатан профилактик тадбирларнинг самарасизлиги оқибатида такрорий жиноятлар 11,0 фоиз кўпайган. Жиноят содир этишга мойиллиги учун ички ишлар органларида ҳисобда турганлардан 41 киши яна жиноят содир этган.

Талон-тарож, дукон ва омборхоналардан товарларни ўғирлаш, гўруҳ бўлиб жиноят қилиш ҳоллари йилдан-йилга ошмоқда. Утган йили 117 жиноят очилмай қолган, 41 жиноят иши ким содир қилгани аниқланмаганлиги учун тергов ишлари тўхтатиб қўйилган.

Вилоятда Шарқ аёлларига хос бўлмаган ҳодисалар юз бермоқда. Жумладан, улар ўртасида товламачилик, ўғирлик, ўз шаънига доғ тушириш каби жиноятлар кўпайиб, бир йилда 163 тани ташкил этади.

Вилоятда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари борми ўзи? Улар нима билан шуғулланяпти? Ташкилий-тарбиявий, маданий-маърифий ишларни жонлаштиришга масъул бўлган шахслар қаерда?

Ташкилотларда кузбуямачилик, нотўғри ҳисобот бериш ҳоллари авж олмоқда. Худди ана шундай ҳолатдаги 31 жиноят ҳисобдан яширилган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг айрим нопок ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилиб жиноятга қўл урмоқда.

Урганч шаҳар ички ишлар ходимлари, милиция катта лейтенанти Лобжанидзе ва милиция капитани Бобожонов таъмагирлик қилиб пора олгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар. Божхона хизмати ходими Р. Абдуллаевнинг ўзи ноқонуний равишда республика ташқарисига қорамол терисини чиқаришда қатнашгани ва сохта ҳужжатлар тузгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни ва, айниқса, ички ишлар идораларини нолойиқ ходимлардан тозалаш шу идора раҳбарларининг бурчи эмасми? Уларга ўз вазифаларини таъкидлаб, уқтириб туриш керакми?

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар — милиция, суд, прокуратура ходимлари сафларини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ва замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишлари кучайтирилиши лозим.

Вилоятда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш қонунбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, умуман, ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида қонун устиворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва айниқса ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак.

Азиз дўстлар!

Ислоҳотларнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада узлаштириб олган

Сиртқи дарс

14. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА НАВРЎЗ

Дарснинг таълимий мақсади: Ўқувчиларни темурийларнинг Наврўзга муносабати билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: Ўқувчиларда халқимизнинг эзгу удумларига меҳр ва муҳаббат уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Наврўз нима?
2. Амир Темурнинг Наврўзга муносабати.
3. Темурийлар даврида Наврўз.

Наврўз халқимизнинг зироат ва чорвачилик билан боғлиқ қадимий байрамидир. Қадимшунослар деҳқончиликнинг вужудга келишини милоддан аввалги V—III минг йилликларда деб тушунтирадилар. Демак, Наврўз бундан беш минг йил илгари байрам қилина бошлаган. Зардўштийлар эътиқодича, эрта кўклам гиёҳлар униб, дарахт шохлари куртак оча бошлагач, ўша атрофдан қора кучлар, девлар даф бўлган. Бу ҳол эзгулик, яхши кучларнинг қора кучлар устидан ғалабасини билдирган ва халқ бу кунларни шоду хуррамлик билан кутиб олган. Кейинчалик, кеча ва кундузнинг баҳорги тенг келишини аниқлаб, шу кунни — 21 мартни Наврўз деб атаганлар. Қадимда Наврўз ўн уч кун давом этган ва бу кунларнинг ҳар бири муайян мазмунда байрам қилинган. Масалан, «Авесто»да шундай дейилади: «Бўғдой ўстирила бошланса, девларни қора тер босади, совурилган бўғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади, ун тайёр бўлгач эса девлар нола-фиғон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим — бу овқатни егандан сўнг улар жуда қизишиб кетади ва қоча бошлайди».

Шунинг учун ундириш учун ёйиб қўйилган буғдойга дамбадам сув сепиб турилган.

Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси «Қозон тўлди» удуми билан бошланган. Наврўзда «қозон тўлди» анъанаси аждодларимизнинг ҳосилдорлик ва барака билан алоқадор қадимий эътиқодлари билан боғлиқ. Тарихчилар фикрича, қадимда катта қозонлар муқаддас ҳисобланган. Улуғ муаррих Ҳеродот ўзининг «Тарих» китобида соқларнинг улкан муқаддас қозони бўлганини ёзиб қолдирган. Бу катта мис қозон соқ хоқони Ариантнинг фармонига кўра ясалган. У ўз жангчиларига биттадан камон ўқи келтиришни буюрган. Сўнг тўпланган ўқларни эритиб, каттакон қозон ясатган. Шу тариқа соқларнинг афсонавий мис қозони вужудга келган. Бу қозонни мўътабар ҳисоблашган ва муқаддас маросимлардагина фойдаланишган. Чунки қозон, аввало, қабила аъзоларининг бирлигини, иккинчидан, Наврўз байрамига мўлжалланганини билдирган. Қозон Наврўз айёми пиширқлари ва ширинликлар билан тўлдирилган. Сўнгра у мусофирлар ва азиз-авлиёлар мақбаралари қошидаги хонақоҳлар аҳлига тарқатилган.

Темурийлар даврида Наврўз тантаналари азиз-авлиёлар мозорлари ёнида ёки кенг сайлгоҳларда ўтказилган. Масалан, Самарқандда, Конигилда, Кўҳак тепалигида, Бухорода Қасри орифон-Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси ёнида ўтказилган.

Амир Темур Наврўзни одатда ҳарбий юришлар пайти Қорабоғда, тинч пайтларда Конигилда ёки бирор чорбоғда ўтказганлар. «Қозон тўлди» удуми Соҳибқироннинг ўзлари қўйдирган қозонда бажарилган. Қозон 1370 йил эрта баҳорида Балхда қуйилган эди. Ҳазрати Соҳибқирон Амир Хусайн устидан ғалаба қилгач, 1370 йилнинг бошларида улуснинг барча алифларини чорлаганлар. Шарафуддин Али Йаздийнинг ёзишича қуйидагилар йиғилишган: Амир Шайх Муҳаммад Сулдуз, амир Кайхусрав Хатлоний, амир Ўлжойту апарди, амир Довуд дўғлот, амир Сарибўғой қипчоқ, амир Жокўй барлос, амир Муайяд арлот, Бадахшон волийси шоҳ Шайх Муҳаммад, Хусайн баҳодир, Сайид Барака, Термиз хонзодаларидан Абулмаолий ва унинг биродари Али Акбар ва бошқа амирлар. Соҳибқирон туркларнинг қадим урфи бўйича амирлар ўз сипоҳийларидан биттадан пайкон йиғиб беришларини сўраганлар. Пайконлар эритилиб, улкан қозон қуйилган. Ундан ҳар йил Наврўз айёмида «қозон тўлди» маросимида фойдаланганлар. Бу улкан қозон якдиллик, уюшқоқлик, бирдамлик рамзи эди.

Шу куни барча амирлар ҳазрати Соҳибқиронга садоқат билдириб қасамёд қилганлар. Бу кунни муаррих қуйидагича таърифлаган: «Жаҳон қаҳратон қиш истилосидан халослик топиб, осмондан ўрин олган Султон-Офтоб шараф тахтига кўтарилган ва боғу бўстонлар мулкларида гулу райҳонлар хисрави бўлмиш атиргул бутасининг феруза тусли тахтини тантана билан безатган чоғда зафар фарроши саодат ила ҳумоюн ўрнатиш расм-русумини амалга оширишга киришди: у олам юзини вақшат ва ғам-андуҳ ғуборидан тозалаб, унинг салтанат ва улуғворлик чодирини рубъи масқуннинг гир-атрофини қуршаб тикди; буюклик ва шон-шуҳрат боргоҳининг қуббасини эса осмон соябонидан ҳам ўтказиб, тинчлик ва омонлик гиламини ёйди; салтанат асосини тўрт асос—давомийлик, барқарорлик, ҳашамат ва ифтихор узра ўрнатиб, мустаҳкамлади; шоҳлик тожини иззату шавкат жавоҳирлари ва ҳашамату улуғворлик ёқутлари ила ясатди. Байт:

Омад ёр бўлганда кишига бир кун
Давлатнинг қораси кўринди бутун.
Ўшал кун ҳаётда эди кўп улуғ
Баҳор фаслидаги байрамдек қутлуғ».

(Омонуллоҳ Бўриев таржимаси).

Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг 1404 йил баҳорида Конигилда набираларининг тўйи муносабати билан ўтказган тантаналари ҳақида ҳикоя қилади: «Амир Темур Самарқанд аҳлига зебу зийнатга ўралишни, улар устидан жабру ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю кичик, юқорию қуйи табақа кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилич ялангочламаслик, зулм ва ноҳақлик жорий қилмасликларини ҳамда уларга ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагида бир милда жойлашган Конигил деган жойга чиқишларини амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу жаннат бўстонидан бир қитъа, жаннат мутасаддиси Ризвон ундан ғафлатда эди».

«Бу тўй тантанасида Амир Темурга савлатлилик ва улуғворлик, ҳашамат ва дабдабаликдан шундай бир улуғ нарса муяссар бўлди-ки, ўйлашимча бу қадарлик нарса қадим ўтган халифалардан ҳеч бирига насиб бўлмаган ва кейин келадиганлардан ҳам бирортасига насиб бўлмайди... Амир Темурнинг бу тўйида подшоҳларнинг қизлари чўри, ўғиллари қул бўлиб... оёқда турдилар. Амир Темур ҳузурига Миср ва Шомдан.., Хитой, Ҳинд, Ироқ, Дашт, Синд, Фаранглардан элчилари ва улардан ташқари яқину узоқдаги барча иқлимлардан келган вакиллар, ҳар бир мухолифу мувофиқ, дўсту душман йиғилган эдилар. Келганлар унинг улуғворлигининг шоҳиди бўлиб, бу тўйда унинг қудрати ва ҳашаматини ўз кўзлари билан кўрдилар» (310—312-бетлар). Соҳибқирон қайси мамлакатда бўлишларидан қатъи назар Наврўз кунлари жанг қилмаганлар, халқдан хайру эҳсонларини аямаганлар.

Амир Темур ўз давлати ва салтанати мустаҳкамлигининг рамзи бўлган мазкур улкан қозонни (бўйи ва эни 2,5 метрга яқин) Хитой сари юриши олдидан Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига қолдирган эди. 1934 йилда қозон Петербургдаги, Эрмитажга олиб кетилган эди. 1935 йил 20 январида намойишга қўйилган. 1989 йилнинг ноябрида қозон яна Туркистонга, Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг жамоатхонасига келтириб қўйилди. Қозоннинг оғирлиги 2000 килограмм, 60 челак сув кетади. Қозонни Соҳибқирон маслаҳатига кўра Абдулазиз ибн Сарвариддин Табризий ясаган. Қозон доимо сувга тўлдирилиб турилган ва ундан ичганлар барча дардлардан ариганлар.

Таниқли олимлар Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраевларнинг «Наврўз» китобида («Фан» нашриёти, 1992 йил) Амир Темур ҳақидаги қуйидаги ривоят келтирилади: «Илгарилари элу юрти омонда, Шаҳрисабз деган томонда Қулчуммоқ деган бир ҳисобдон киши ўтган экан. Экин-тикинларни қай вақт экиш, чорва молларини яйловга олиб чиқиш муддати, йиллик ёғин-сочин миқдори ва тартиби, фасл ва ойларнинг ҳисоб-китобини қилиб юрар экан. Илк кўклам кунларининг бирида у ҳамқишлоқларига қараб:

— Мана энди ҳут ҳам адо бўлиб қолди, баҳор ҳам келди. Энди фалон куни лайлак келади. Ғузорнинг тепасидаги Қалтаминорга қўнади. Бу қушнинг келиши — ҳутнинг жўнашиб кетишидан нишонадир. У бир дона тухум қўйгандан кейин йилбоши — Наврўз бўлади, — дебди.

Бу гап Шаҳрисабз бегининг қулоғига бориб етибди. «Қулчуммоқ худо бўлдими, ки қайси кун лайлак келишию, Наврўз қачон келишини айтиб берса... Шунда оқсоқоллар:

-Бегим, Қулчуммоқ жуда билгич одам, у ҳеч вақт ҳисобдан адашмаган. Айтган гапи доим тўғри чиқади, — дебдилар.

Бек Қулчуммоқ айтган Қалтаминор ёнига беш-ўн нафар пойлоқчи қўйдирибди... Бир кун тонгга яқин Қалтаминор тепасига бир нима энгандай бўлибди. Қарасалар, минора тепасига лайлак қўнибди! Шу пайт улар ҳай-ҳайлашиб, шовқин солиб, қувишиб, лайлак бечорани дам олгани ҳам қўймай, ҳуркитиб, Оқсарой томонга ҳайдаб юборибдилар.

Лайлак минора тепасида бир-икки давра айланиб, қўнишнинг иложини тополмай, ноилож Оқсарой томонга қараб учибди.

Эртасига овоза тарқалибди, ки ҳисобдон адашган экан, лайлак куни кеча Оқсаройнинг устига келиб қўнди, деб. Бек:

— Бориб айтинглар, лайлак ҳисобдон айтган муддатдан бир кун аввал Оқсаройга келиб қўнди. Агар ишонмаса ўзи келиб кўрсин! — деб тайинлабди. Бу хабарни эшитган Қулчуммоқ чопарларга қараб:

— Бориб бекка айтинглар: агар лайлак уясига тўшини бериб ётган бўлса, уни Қалтаминорга қўнишга қўймай, ҳайдаб келишган бўлади. Мабодо, оёғида тикка турган бўлса — менинг енгилганим, — дебди.

Мулозимлар бу гапни бекка етказибдилар. Бек оқсоқоллар олдида уялиб, Оқсаройга одам юбортирибди. Бориб кўришса лайлак шўрлик уясига бағрини бериб, пусиб ётган эмиш...

Наврўз арафасида бек катта зиёфат берибди. Қулчуммоқни ҳам шу зиёфатга айтиб келибдилар. Гапдан гап чиқиб, йилбоши қачон келиши хусусида тортишиб қолибдилар. Шунда бек:

— Янги йил — Наврўз дегани бундоқ кўриниб келмаса, қачон киришини сиз билан биз қайдан билайлик?! — дебди.

Қулчуммоқ бир қўлида тош, бир қўлида пичоқ олибди-да бир оз кутиб турибди. Бир пасдан сўнг пичоқ билан тошни кесган экан, худди сариёғдек икки бўлинибди. Буни кўриб ажабланган давра аҳли ҳайратдан ёқа ушлабдилар.

Шунда ҳисобдон:

— Ана шу тош сариёғдай эриган пайтда Наврўз келган эди, — дебди».

Бу ривоят билан халқимиз: Наврўзда тош ҳам мумдай эрийди, демоқчи...

Бир сўз билан айтганда, Наврўз миллий байрам сифатида темурийлар замонида ҳам кенг нишонланган.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ — МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР

(Боши 1-бетда)

ним оғрийди. Шу юртнинг раҳбари сифатида ҳар бир кунгилсиз ҳол учун мен ҳам жавобгарман.

Яхшилаб тушуниб олингларки, мен бу муқаддас заминга қаттиққўл терговчи ёки тафтишчи сифатида келганим йўқ.

Сизлар билан, дунё кўрган ёшулли инсонлар билан Хоразм вилоятининг бугуни ва келажаги ҳақида гаплашиб олишимиз керак.

Бугунги учрашувдан муддао шуки, сизу биз Хоразмнинг узига хос муаммолари, олдимизни тўсиб турган тўсиқлар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Ниятимиз шуки, муаммоларни аниқлаб олиб, ундан кейин вилоятдаги мавжуд имкониятларни, агар вилоятнинг ўз кучи етмаса, унда бутун мамлакатда мавжуд салоҳиятни, имкониятлар ва ресурсларни Хоразмдаги муаммоларни ечишга, хоразмлик инсонларнинг оғирини енгил қилишга сафарбар этишимиз даркор.

Қандай масалалар ҳақида биринчи навбатда гап кетятти?

Биринчи навбатда Хоразмда ер муаммосини оқилона ечиш лозим.

Бу масаланинг бир неча қирраси бор. Ҳаммамиз яхши биламиз: Хоразм вилоятида ҳар бир қарич ер олтин билан тенг. Бу ернинг унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдор ерларнинг оборотдан чиқиб кетишига чек қўйиш, керак бўлса, барча имкониятларни ишга солиб янги ерларни ўзлаштириш — Хоразм учун энг долзарб вазифа.

Агар шу вазифани уддаласак — марра бизники, Хоразмлик инсонларга деҳқончилик борасида тенг келадиган кишиларни топиш қийин. Ишнинг кўзини биладиган, тупроққа бир қарашда булажак ҳосилнинг чўгини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар мана шу заминда яшайди.

Мен Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда ер бонитети баллари асосида мамлакатимизда ер кадастрини тузишга ва шу кадастрга биноан деҳқонларимизнинг меҳнатига ҳақ тўлашни талаб қилганимдан хабардорсизлар.

Орол фожиаси қўшни Қорақалпоғистон билан Хоразм воҳасига, унинг иқлими-табиатига ҳам таъсири жуда салбий булаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу фожианинг энг ёмони, энг оғир таъсири шу заминда яшаётган одамзотнинг соглиги-саломатлигига булса, шу қаторда деҳқон тақдирига тушаётган оғирлигини ўлчаб бўлмас. Фақаттина бир мисол: Хоразм деҳқонлари ҳар йили 15 миллион тонна тузни даладан ювиб чиқаради!

Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари гектарига 25-28 центнердан ҳосил кутарадиган бўлса, Хоразм вилояти йилига ернинг шурини 3-4 марта ювиб, 30-35 центнердан ҳосил олади. Буни ким ҳисоблайди, буни ким қадрлайди?

Бунинг илдизи ва асоси, аввало— хоразмлик деҳқонларнинг фидойи экани, заминга меҳрида, Ватанга муҳаббатида, ориятида, иймонида!

Бундай ҳолни нафақат пахтачиликда, балки ғаллакорлик, сабзавотчилик ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги муаммоларнинг энг муҳими — Хоразмда янги ерларни ўзлаштириш ва ер унумдорлигини сақлашдир.

Муҳтарам дўстлар, агар биз Хоразм воҳасида янги ерларни ўзлаштириш имконини топсак, унда минглаб одамлар ишли булади.

Иккинчи масала биринчиси билан чамбарчас боғлиқ. Хоразмдаги энг йирик муаммо — сув муаммоси. Деҳқончилик сув билан тирик. Бу ҳақиқатни сизлар мендан ҳам яхшироқ биласизлар.

Ер суғориладиган сув ҳам, ичимлик суви ҳам Хоразмда бирдай муаммо. Хоразм даласига келадиган сув, аввало, 1 миллион гектар ернинг шурини, дренаж оқизиқларини узида жамлаб, кейин бу ерга келади. Хоразм даласига келадиган сув аввал 5-6 миллион одам яшайдиган вилоятлардан ўтиб келади.

Айниқса, ичимлик сувининг ҳар томчиси бу ерда жуда қиммат. Туямўйин-Урганч сув қувурининг иккинчи навбатини тез-роқ тугатиш керак. Одамларнинг эҳтиёжини, соглигини ҳимоялаш мақсадида Хоразмда шиша идишда ичимлик сув чиқарадиган завод қуриш қўлимиздан келмайдими? 3-4 миллион доллар топиб, Америкадан ёки Европадан энг замонавий технологияга асосланган завод олиб келишни ҳукумат зиммасига юклаш керак.

Токи тоза ва ширин сув ҳар бир қишлоққа, ҳар бир хонадонга кириб борсин. Бу айниқса ёшлар учун, болалар учун керак. Хоразмда сариқ касали кўп. Мен буни жуда яхши биламан. Бир вақтлар мен ўзим ҳам шу дардга чалиниб, Украинанинг Трускавец деган жойига бориб даволанардим. У ерда кимни кўп учратиш мумкин? Хоразмдан ўз дардига даво қидириб борган инсонларни.

Бирор юқумли касаллик кўпайса, биринчи навбатда тиббиёт ходимларини айблаймиз. Лекин айб асли бечора медикларда ҳам эмас, балки сувнинг ва табиатнинг тоза эмаслигида. Ичимлик суви масаласини ҳал этиш билан биз энг катта ижтимоий муаммони ҳам ҳал этамиз. Бу шунчаки қуруқ ваъда эмас, насиб этса, бир-икки йил ичида амалга ошадиган иш.

Учинчи масала — Хоразмда коммуникацияни ривожлантириш, темирйўл, автомобил йўли, телекоммуникация, замонавий алоқа қанчалик тез ривожланса, Хоразм вилоятининг равнақи ҳам шунчалик тезлашади. Бошқа вилоятлар билан, мамлакат маркази билан, қўшни давлатлар билан алоқаси янада яхшиланади.

Тўртинчи масаланинг бир қисмини олдинроқ ҳам айтиб ўтдим. Айбга буюрмайсизлар, дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб гапиради: сизларда эски замондан қолган «гигантомания» касали бор. Ҳаддан ташқари катта корхоналарни қуришга, шу билан ўзларингизни кўрсатишга ҳаракат қиласизлар.

Мен неча йилдирки, кичик, ихчам корхоналар қуринглар деб гапираман. Мана, биргина Хеванинг ўзини олиб қарайлик. Хева фақат меъморий обидалар билан эмас, балки косиблари санъати билан ҳам дунёга донг таратган эди.

Нега Хевада, бошқа шаҳарларда, шаҳар атрофидаги қишлоқларда касаначиликни ташкил қилиб булмайди? Шу баҳонада уйда ўтирган қанчадан-қанча опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш мумкин-ку?

Турли касблар — кулоллар, тунукачилар, пичоқчилар, қадоқчилар, дуппидузлар, телпакдўзлар ва ҳоказо касбларни қайта тиклиб, неча минглаб одамларни иш билан, бозорни эса мол билан тулдириб булмайдими?

Булади. Бунинг учун қунт керак, ҳафсала керак, меҳр керак, янада муҳими — масъулият керак. Шу ишни қилинглар. Керак бўлса, майда косибларни солиқ тўлашдан махсус қарор билан озод қилиб берамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Шуни айтишим керакки, танқид қилиш ёки тасаннолар айтиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади.

Мен бугун сизларга Хоразм вилоятининг келажак тараққиётини белгилайдиган махсус давлат дастурини тузишни таклиф қиламан. Вилоятнинг экологик аҳволини яхшилаш, ер-сув масалаларини ҳал этиш — асло кечиктириб бўлмайдиган масала.

Керак бўлса, ҳукумат раҳбарлари, вазирлар ва мутасадди раҳбарлар шу ерга келиб ўтирсин, масалани ечсин, ҳал қилсин.

Бешинчи масала — кадрлар масаласи. Хоразмда қадрлар етарли. Сизларга четдан одам олиб келиб, мансабга тайинлаш аҳлдан эмас. Лекин масаланинг бир тарафи борки, бу — ёш авлодни, ёш мутахассисларни, ёш раҳбарларни тарбиялаш, ўқитиш, уларни жаҳон миқёсига чиқариш.

Бу — аслида барчамизнинг вазифамиз. Хоразмдаги ёшларни ўқитиш, нафақат юртимизда, балки чет эллардаги энг туфузли олий мактабларда ўқитишни ўз зиммамизга олишимиз даркор. Хоразмда махсус коллеж, лицей ва бошқа ўқув юртлари тизимини кенгайтириш лозим.

Мен аниқ ишонаман: гурланлик ёки хевалик, ҳазорасплик ёки хонқалик болалар, худо хоҳласа, Оксфорд ёки Гарвардга бориб таълим олади, дунёнинг мана мен деган олим одамлари билан бемалол баҳслашадиган булади!

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Халқи шижоатли, бунёдкор, янгиликни ўз вақтида илғаб, уни ҳимоя қила оладиган мамлакатнинг келажаги буюк бўлади. Чунки ҳар қандай буюклик халқ даҳоси, халқ қудрати, халқнинг беқиёс иродаси билан дунёга келади. Мен ҳар доим мамлакатимиз ва халқимиз ҳақида ўйлаганимда унинг сиймосида ана шундай бунёдкорни кўраман ва фахрланаман.

Ўйлайманки, Хоразм вилояти фаоллари, барча меҳнаткашлари ориятли, шижоатли, фидойи ва мард халқимизнинг ҳақиқий вакиллари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиб, 1996 йилда туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириб, янги, илғор тажрибаларни ўзлаштириб, мустақил Узбекистонимизнинг равнақига ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни қўшишингизга қатъий ишонаман.

Сўзимнинг охирида сизлар — хоразмлик биродарларимиз хусусида яна икки оғиз сўзлашга ижозат бергайсиз.

Албатта, биз ҳаммамиз ягона миллат, ягона халқмиз. Айни замонда, Узбекистон шундай бир ажойиб мамлакатки, унинг турли минтақаларидаги одамлар ўз табиатлари, феъл-атворлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар.

Фарғона водийсида вилоятлар аҳлини дуппидаги «қалампир» шаклига қараб ажратиш расм бўлган. Биламизки, хоразмлик ёшуллилар бошларига кўпроқ чўгирма-телпак кийишни маъқул кўрадилар. Аммо гап дуппи ёки чўгирмада эмас. Гап — бизнинг бирлигимизда, иймонимизнинг бутунлигида, ғайратимиз зўрлигида, меҳнатга булган ҳексиз меҳримизда.

Хоразмнинг меҳнаткаш аҳли олдида ҳар қанча бош эгсак, таъзим қилсак арзийди. Бошқалар хафа бўлмасин-у, мен узбек деҳқони деб айтганда, энг аввало, шундай оғир шароитда, ҳали қиш заҳри кетмаган бир пайтда ернинг шўрини ювиётган хоразмлик инсонларни тасаввур қиламан.

Шундай тажрибали, сабр-тоқатли, қаноатли инсонларимиз бор экан, мен қаттиқ ишонаманки, бизнинг барча ишларимиз албатта олға кетади. Биз албатта кўзлаган мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга етишамиз.

Барчангизга, азиз дўстлар, сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий тотувлик, осойишталик, бахт-саодат тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ БАЁНОТИ

(Боши 1-бетда)

лиги 1991 йил 31 август куни, яъни 8 декабрдаги воқеалардан, уч мамлакат — Россия, Беларусь, Украина бошлиқларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган учрашувидан тўрт ой олдин эълон қилинганини айтди.

Уч давлат бошлиғи қабул қилган Беловеж битимини бекор деб эълон қилиш бу битимдан анча аввал мустақил давлатга айланиб, ҳамдўстликка ҳуқуқий жиҳатдан истиқлолга эришган давлат сифатида қўшилган Узбекистонга қандай даҳли бор, деган қонуний савол туғилади.

Бу — биринчидан, деб таъкидлади Президент Ислом Каримов, иккинчидан — Узбекистон Олий Кенгашининг Узбекистонни мустақил деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори 1991 йил 29 декабрдаги умумхалқ Референдуми натижалари билан тасдиқланган. Референдумда сайловчиларнинг 98,2 фоизи Узбекистон суверинитети ва мустақиллиги учун овоз берган.

Ҳозир ҳам барча сайловолди ўйинларининг, Россия халқини ўзига хайрихоҳ қилишга уринишларнинг Узбекистонга, унинг халқига, унинг ҳозирги куни ва келажагига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Россия Федерацияси Давлат Думаси сўров натижаларини рўкач қилиб келтираётган 1991 йил 17 мартдаги иттифоқ референдуми нураб қолган иттифоқни қутқариш мақсадида халқларга зўрлик билан тиқиштирилган эди.

Президент Каримов Узбекистон Парламентининг 1991 йил 17 март куни мамлакатимиз сайловчиларининг Узбекистон суверинитетини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги иккинчи бюллетенда берилган саволга жавоби (иккинчи бюллетен фақат Узбекистон ҳудудида қўйилган эди) собиқ СССРни сақлаб қолиш тўғрисида биринчи бюллетендаги саволга жавобнинг мазмунини йўққа чиқаради, деган фикрини қўллаб-қувватлашини айтди.

Кейинги пайтда интеграция тўғрисида кўп гапирилмоқда, деди Президент Каримов, Россия телевиденieси ва оммавий ахборот воситалари орқали яқин вақт ичида Беларусь Президенти Лукашенко ва Россия Президенти Ельцин учрашиб, конфедерациями, федерациями ёки яна бошқа шаклдами, Беларусь раҳбари Лукашенко айтганидек, собиқ СССРдан мустаҳкамроқ шаклда чуқур интеграция тўғрисидаги ҳужжатни имзоламоқчи бўлаётгани тўғрисидаги гаплар тарқалмоқда. Телевидение ва матбуот орқали бу шартномага гўё бизнинг яқин қўшниларимиз — Қозоғистон билан Қирғизистон ҳам қўшилмоқчи бўлаётгани ҳақида ҳам хабардор бўлиб турибмиз.

Бу — Евроосиё бўладими, федерация, конфедерация ёки бошқа бир иттифоқ бўладими, деди Каримов, бизнинг фикримиз қатъий — биз давлатлардан, миллатлардан юқори турадиган тузилмаларни барпо этишни кўзда тутувчи интеграция жараёнларида қатнашмаймиз.

Ночорликдан, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижаларига ишонмасликдан шундай қадам қўйиш мумкинлигини яхши биламиз, деди Ислом Каримов. Бироқ, бундай шартномалар МДҲ доирасидаги ҳамкорликни барбод қилиши мумкинлигини унутмаслик ҳам керак.

Узбекистон ўз мустақиллигидан ҳеч қачон воз кечмайди, деди Каримов қатъият билан, биз тенглар қаторида тенг бўлишни, барча мамлакатлар билан муносабатларимизни ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли асосда қуришни, Россияни гуллаб-яшнаган демократик мамлакат сифатида кўришни истаймиз.

Бизнинг ўтказилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар йўлида, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлида муваффақиятларга эришишимизга ишончимиз комил. Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Халқимиз ўз озодлигини муқаддас деб билади.

Биз ҳеч қачон орқага қайтмаймиз, деди пировардида Ислом Каримов, бизнинг йўлимиз тўғри, бу йўл мустақиллик йўлидир, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш йўлидир, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, Узбекистоннинг барча фуқаролари учун муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратиш йўлидир.

---

15 март куни Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис раҳбарияти, қўмиталарининг раислари, депутатлар фракцияларининг, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

***

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши «Россия федерацияси давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги қарори тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда Думанинг собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори муҳокамага лойиқ эмас, деб топилгани, Узбекистон бозор муносабатларига асосланган мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат эканлиги таъкидланди.

***

16 март куни Узбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов ва ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, чет эл ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорининг мустақил Узбекистон учун ҳеч қандай алоқаси йўқлигини таъкидладилар.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ТЕРМИЗДА ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Термиз шаҳрида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси фаолларининг уқиши бўлиб ўтди. Унда қатор маърузалар тингланди. Жумладан, Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов «Бозор иқтисодиёти даврида республикада ўрта умумтаълимни ривожлантириш режалари тўғрисида», А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини оширишмарказий институти проректори Т. Тошпонов «Мустақил Узбекистон давлати — миллий ғурур, истиқлол мафкурасини шакллантириш йўллари» хусусида маъруза қилдилар. Шунингдек, банк ва солиқ тизимини шакллантиришда банк идоралари ва солиқ қўмитасининг вазифалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқа бугуннинг энг долзарб мавзуларида маърузалар тингланди.

Унда Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси И. Абдуганиев, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этдилар.

Мухбиримиз.

«ЛЕГО САЙЁРАСИ» ОЛИМПИАДАСИ

Республика ўқувчилар саройида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси «Омад» реклама-тижорат кўрсатувлари дирекциялари, Республика ўқувчилар саройи ҳамда Данияннинг «Лего» болалар ўйинчоқларини конструкциялаш ассоциацияси ҳамкорликда ўқувчиларнинг «Лего сайёраси» олимпиадасини бошлади.

Олимпиадада Тошкент шаҳридаги 9, 34, 50, 59, 90, 110, 169-мактабларнинг 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган 27 нафар ўғил-қизлари иштирок этади. Беллашув 18 мартда бошланиб 21 март куни якунланади.

«Лего сайёраси» олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида азиз меҳмонларни сарой тўгараги аъзолари миллий мусиқа садолари остида кутиб олдилар.

Мусобақани Республика ўқувчилар саройи директори Олия Иброҳимова кириш сўзи билан очиб, беллашувнинг тартиби, шартлари ҳамда меҳмонлар ва ҳайъат аъзолари билан таништирди. Шунингдек, Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев:

— Азиз болажонлар, ҳурматли тарбиячилар, меҳмонлар. «Лего сайёраси» беллашуви сизларга Наврўз совғасидир. Бундай махсус ўйинлар болаларни ўйлашга, фикрлашга, билим савиясини кенгайтиришга ёрдам беради. Топқирликда, зукколикда сизларга омад ёр бўлсин, дея самимий тилагини билдирди.

Шундан сўнг «Лего» болалар ўйинчоқларини конструкциялаш ассоциацияси бош директори Поль Янга навбат берилади. У болалар ўйинчоқлари 150 мамлакатга тарқалгани, эндиликда Ўзбекистон заминига ҳам етиб келганидан беҳад хурсандлигини, улардан турли хил моделлар ясаш мумкинлиги, энг асосийси, мусобақа ғолибини ажойиб сюрприз кутаётганини айтади.

Беллашувда 1—3-синф ўқувчиларидан иборат учта командада 4 нафардан аъзо иштирок этди. Команда аъзоларининг ҳар бирига биттадан конструктор берилди. Ана шуларни йиғиш керак. Сўнгра командаларга қутиларда «Лего» ўйинчоқлари конструкцияси берилди. Болалар улардан самолёт, вертолёт, машина, мотоцикл сингари моделлар ясашди.

Олимпиада ғолиблари ва иштирокчилари эсдалик совғалари ва ўзлари ясаган моделлар билан мукофотландилар.

Беллашув тугагач, сарой кинозалида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ва «Ян Интернэшнл» фирмаси вакиллари республикамизнинг турли вилоятларидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногирон болаларга Наврўз совғаларини тақдим этдилар.

«Лего сайёраси» олимпиадасининг иккинчи кунида 4—5-синф ўқувчилари, учинчи кунида эса 5—6-синф ўқувчилари иштирок этадилар. 21 март — беллашув якунида уч кун давомида ўтказилган олимпиаданинг ғолибларига мукофотлар топширилади.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

Суратда: республикамиз вилоятларидаги меҳрибонлик уйларига ажратилган мукофотларнинг топширилиш пайти акс эттирилган.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Наврўз келди, Наврўзжон!

Бор, ҳо,
Кел, ҳо,
Ҳамалим, ҳа
Йул қайда!
Тезда чопиб кел!
Йулни топиб кел!
Уйнагани кел!
Қувнагани кел!
Сайлга кел, ҳо-о-о!

Муҳаммад алайҳиссалом Наврўздан завқланган эдилар. Уларга ширинлик келтиришганда: «Бу нима?» — деб сўрадилар. «Наврўз» (неъмати), — дейишди. Шунда пайғамбаримиз: «Биз учун ҳар кун Наврўз бўлсин», — дедилар.

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан.
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, [illegible] л она!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака!
Ҳой, деҳқон бобо, далангга берсин барака!
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Агар Наврўз панжшанба куни кирса, ул кун Муштарийга тааллуқли бўлғай. Ул йил неъмат кўп бўлғай. Ой, кун тутилғай. Хасталиқ қаттиқ бўлғай ва охир хайр-хўш, бўлғай. Ул йил хўрак сақламак керак. Ҳазар қилмоқ керак ачиқғайлар, валлоҳи аълам.

«Наврўз ҳафтаномаси»дан.

* * *

Хуш келибсан юртимизга, ассалом, эй наврўзим!
Ўзбегимда саломдан сўнг хуш калом: эй наврўзим!
Сен бизларга ҳар йил кўклам азиз меҳмон, наврўзим,
Ясатдик биз гул дастурхон — бўлиб меҳмон, наврўзим.

Малоҳат НАЖМИДДИНОВА,
РТИММ бош методисти.

Амир ТЕМУР ўгити:

Ҳамишалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан.

БАҲОР ТАРОНАСИ

Ҳаво — эрка қизнинг қўлидек майин,
Новдалардан келар кўкламнинг иси.
Куртак кўзига нур тўлар кун сайин,
Бойчечак — Наврўзнинг қадами, изи.

Қишнинг оёғида қолмади мадор,
Баҳор совғасига кўмилар ўнг-сўл.
Мендан-да кучлироқ соғинган дарахт
Кулар, қўлларида бир даста оқ гул.

Дилором ИСМОИЛОВА,
Ургут шаҳридаги «Иқбол» лицейи ўқитувчиси.

***

ҲАМАЛ КИРДИ — АМАЛ КИРДИ

Агар дарахт мева қилмаса, бир киши қўлига болта олиб, этагини белига қистириб, енгларини шимариб, ўзини ғазабланган қилиб кўрсатади, сўнг дарахт томонга қараб югуради ва «Дарахтни томири билан кесиб ташлайман» деб қасд қилади. Бошқа киши келиб, дарахтни ҳимоя қилади ва унга: «Бу йил тегма, келаси йили мева қилади!» — дейди. Худо фармони билан келаси йили мева қилади ва бу тажриба қилиб кўрилган.

***

Агар анжирнинг ер остида бўлган томирига қисқароқ бирор нарса ёзиб қўйилса мева қилгач, ўша ёзув мевасида пайдо бўлади.

***

Баъзиларнинг айтишича, олма дарахтининг шохини норинж ёки олхўри дарахтига пайванд қилинса, бир йилда икки марта ҳосил берар экан.

***

Бақлажон, карам ва бошқаларнинг кўчатини ўтказишнинг вақти куннинг иккинчи ярмидир.

«Фанн-и кишту зироат» китобидан.

БАҲОР МАЛАГИ. Козим ЎЛМАСОВ сурат-лавҳаси.

АТИРГУЛ

(новелла)

Авжи навбаҳор кезларида қўшнимиз ҳовлисидаги атиргуллар қийғос очиларди. Мен ҳовлимиздаги бошқа гулларга боқиб, қўшнимизнинг атиргулларидан ўз ҳовлимизда ҳам бўлса, деб ҳавас қилардим. Бир вақтлар бу атиргулларни қўшнимизнинг келини Мавлудахон келинойимлар ўз қўллари билан эккан эканлар. Ҳозир келинойимлар бу ҳовлида яшамайдилар. Собиржон акамлар билан бефарзандлиги туфайли ажралиб кетишган.

Мен ўз йигитлик бурчимни ўташ учун ҳарбий хизматга кетаётганимда ҳам айни баҳор эди. Ўшанда ҳам боғларда дарахтлар гуллаган, атиргулу карнайгуллар қийғос очилган эди. Қир-адирларда эса лолақизғалдоқлар кишини ўзига мафтун қилиб, баҳор шабадасида тебраниб турар эди. Мана, ниҳоят хизмат муддатим тугаб ота-онам бағрига қайтдим.

Собиржон акамлар янги ҳовлига кўчиб ўтишгани туфайли, қўшни ҳовлимиз бўм-бўш, ҳеч ким яшамас эди. Не кўз билан кўрайки, ҳовлини тутиб гуллайдиган атиргуллардан ном-нишон йўқ, фақат, бир туп атиргулгина девор ёнида, ота-онасидан айрилган мунгли гўдакдай сўппайиб турарди. Мен уни ўз ҳовлимизга олиб ўтқаздим. Атиргул ҳовлини аста-секин эгаллай бошлади. Мана, ўша атиргуллар. Мен атиргулларга боқсам, дарров Мавлудахон келинойимларнинг гаплари эсимга тушади.

— Қаранг-а укажон, негадир менга мана шу атиргулларнинг ҳовлини безаб туриши жуда ёқади. Айниқса, эрталабки манзарани айтмайсизми! Кишига соғлом руҳ, аъло кайфият бағишлайди бу гуллар...

Ҳа, инсон ҳаёти давомида бирон из қолдирмай яшамайди. Акс ҳолда у инсон эмас!

Саъдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Жиззах давлат педагогика институти умумтехника фанлари кафедраси мудири.

БОЗБАРАГИМ

Бозбарагим оқ каптардир, қанотлари тилладан,
У келажак уфқи томон қувнаб-қувнаб учади.
Унга шаффоф ўйларимни бергум белаб зиёга,
У беғубор ҳисларимни ардоқлайди, қучади.

Бозбарагим оқ каптардир, қанотлари тилладан,
Парвозларда уни хатар қузғунидан асрайман.
Маъсум-маъсум умидим бор менинг кўҳна дунёдан,
Бозбарагим— болалигим, бахтиёрман, яйрайман.

Имомқул ЯХШИБОЕВ,
Галлаорол туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси.

ИНШОЛАРДАН САТРЛАР

Комил Яшин «Ўғлим босқинчиларга» шеърини ёзган. («Ўлим босқинчиларга»)

Аёллар паранжи боласидан озод бўлдилар. (балосидан)

Шайхзоданинг «Кундошларим» шеърида шундай сатрлар бор... («Ундошларим»)

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳридаги 274-мактаб ўқитувчиси.

ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Ассалом — энг қимматбаҳо калом.

•

Гўзал — гўзал эмас, севиб-севилган гўзал.

•

Дарахт либоси япроқ ва мева,
Серфарзанд, меҳнатсевар кишини ундан кам дема.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
Паст Дарғом туманидаги 24-мактаб фахрий ўқитувчиси.

МЕНИНГ ЎЛКАМ

Она юртим — гўзал олам,
Гул-чечаклар унар хуррам,
Қир-адирда ёнар гилам,
Гуллаб-яшнар менинг ўлкам.

Чор-атрофи баланд тоғлар,
Узум, анор, кўркам боғлар.
Меҳнат қилган кўнгил чоғлар,
Гуллар яшнар менинг ўлкам.

Пахтазорлар — олтин конлар,
Омбор тўла сара донлар,
Онам ёпар ширмой нонлар,
Гуллаб яшнар менинг ўлкам.

Бағри доим гулга тўлсин,
Шўх сойлари сувга тўлсин,
Озодликдан нурга тўлсин,
Гуллаб яшнар менинг ўлкам.

Камол ЎСАР,
Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ҚЎШИҚ

Ниҳолларни уйғотиб,
Эзгу ҳислар қўзғатиб,
Саболарни ўйнатиб,
Наврўз келди, Наврўзжон!
Чаманларни яшнатиб,
Кўнгилларни яйратиб,
Қумри, булбул сайратиб,
Наврўз келди, Наврўзжон!
Турналар қилур парвоз,
Тирик жон топур эъзоз.
Борлиқни қилиб пардоз,
Наврўз келди, Наврўзжон!
Қуёш чиқди чарақлаб,
Йил китобин варақлаб,
Ёмғирдан сўнг ярақлаб
Наврўз келди, Наврўзжон!
Наволарга айланиб,
Муҳаббатга бойланиб,
Камалакка жойланиб,
Наврўз келди, Наврўзжон!

Дилхуш НАМАНГОНИЙ,
Наманган туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси.

Подшоҳларнинг бир одати бор: йил бошида улар яхшиликка фатво бериш ва саналарни белгилаш ҳамда маишат учун маълум маросимлар ўтказишлари зарур. Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача ҳуррам бўлади ва фароғатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган...

Умар ХАЙЁМ.
(«Наврўзнома»дан).

МУНАВВАР ТАШРИФ

Юрагингда борми ҳеч раҳму шафқат,
Бунчалар бағримни аёвсиз эздинг?
Тўғрисин айтавер, алдама фақат,
Қалбимни варақлаб нималар сездинг?
Инсоф қил кўнглингга боғланиб кўнглим
Меҳринг торларига кетсин қўшилиб.
Мағрур юрагингда ўрнашса қалбим,
Ипакдай юмшарсан, балким эшилиб.

Бўлмаса парқудай учириб юбор,
Булутлар бағрига сингиб кетайин.
Фақат келганида ёмғирли баҳор
Лабингга қўнайин, ингиб кетайин.
Чечакдай очилиб лабларинг шунда,
Меҳрингга қовушар гўзал муҳаббат.
Наврўз кезаётир Она заминда
Юрагим чиққудай. Ўлдирма фақат!

Ҳотам РАҲИМОВ,
Шаҳрисабз туманидаги 39-мактаб директори.

АНА, ПОРЛАМОҚДА МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ

Ана, порламоқда менинг юлдузим,
Уни мен яратдим тунлари бедор.
Ҳаттоки мунажжим тополмас зинҳор,
Уни мен биламан, фақат мен ўзим.
Ана, порламоқда таратиб зиё,
Нурланиб кетгандек осмону фалак.
Кўкда ой, юлдузлар бўлишиб ҳалак,
Унинг атрофида парвона гўё.
Порлайвер эй менинг эзгу юлдузим,
Йиллаб ахтарганим ўзингсан ахир!
Бошгинам устида ярақла, чақир,
Сенга интилайин, узмайин кўзим.
Ана, порламоқда менинг юлдузим,
Уни мен яратдим тунлари бедор.
Ҳаттоки мунажжим тополмас зинҳор,
Уни мен биламан, фақат мен ўзим!

Қувват ОТАБОЕВ,
Иштихон туманидаги 48-мактаб ўқитувчиси.

«БОР» — «ЙЎҚ»ЛИ ТОПИШМОҚЛАР

Боши бор, танаси йўқ.
(қарам)

Оёғи бор, қўли йўқ.
(стол)

Қўли бор, оёғи йўқ.
(замбил)

Очилиши бор, ёпилиши йўқ.
(пахта)

Эшиги бор, уйи йўқ.
(дарвоза)

Боборахим ОМОНОВ,
Навбаҳор туманидаги А. Навоий номидаги мактаб ўқитувчиси.

ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН:

Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлни кунига етти марта миямизда такрорласак, уямизда ҳеч ёмон иш қилмайдиган бўламиз.

•

Боламизнинг ёшлигида тили ширин бўлсин, улгайгач дили ширин бўлсин.

•

Дунёни тебратиш оилани тебратишдан бошланади.

С. ОСТОНОВ,
Қамаши туманидаги 74-мактаб ўқитувчиси.

КЕЛАЖАК

Сен нафиссан, гўзалсан беҳад,
Баҳордаги барра гул мисол.
О, келажак, бутун куч-қудрат
Оқиб борар сен томон хушҳол.
Сени бахтдай севиб қолибмиз,
Кўнгиллардан жой олдинг бугун.
Кун чиққандай исинмоқдамиз
Нигоҳингнинг тафтида бу кун.

Анвар ИМИНОВ,
Тошкент шаҳри.

ХАНДА

— Марҳамат қилиб айтингчи доктор, соғайиб кетишимга ишонч борми?
— Ким бўлиб ишлайсиз?
— Ишчиман.
— Аҳволингиз жуда оғир.
— Қайнотам тижоратчи.
— О, сиз ҳали кўп йил яшайсиз...

Жума УСМОНОВ,
Жарқўрғон туманидаги Фурқат номидаги мактаб ўқитувчиси.

ИНСОН ГЎЗАЛ

Меҳр қўйсанг, муҳаббат топасан.

***

Яхшилар ўртасида олтин кўприк бўл.

***

Кўнгил нозик гул, уни заҳарли тил билан заҳарламаслик керак.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Марҳамат шаҳридаги 37-мактаб ўқитувчиси.

ДАЛАМ ШАМОЛИ

Қадим бир нақл бор:
«Юртнинг шамоли
Юракнинг дардига шифою малҳам».
Сендек роҳатижон топмадим ҳеч ҳам,
Отам меҳридай кенг далам шамоли.

Орзу умидларнинг ёрқин хаёли
Меҳринг билан яшнар мисоли чаман.
Эсавер гулларнинг атири билан
Отам меҳрига тенг далам шамоли.

Ортиқжон ЖЎРАЕВ,
Ғузор тумани.

«НАВРЎЗ НАШИДАСИ» МУАММОНОМАСИ



Азиз муштарий! Қуйида таърифланган ва шеърий мисраларда яшириниб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Алишер Навоийдан:
Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила 1,2,16,6,2,14,
Чаман сарви ёшин хилъат менинг сарви равоним ҳам,
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунча 22,2,16,8,9 бари олам.

2. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида баён этилган, йилнинг кун ва ойларига ном бериб, йилнома жорий қилган биринчи подшоҳ — 25,2,23,14,2,6,17.

3. Мирзо Абдуқодир Бедилдан:
Яна нигоҳимиз мисоли чаман,
Ёр васли юз кўклам, Наврўзча экан.
Бу куни кулбамиз 21,4,11,22 хонаси,
Кўзимиздан 1,9,6,25,5,21 чироғи равшан.

4. Лутфий достонидан:
10,3,20,5 йилнинг бошинда — рўзи 3,2,18,6,12,15,
Садафдан чиқди бир дурри шабафрўз.

5. Ўзбек мумтоз шоири, «Илоҳи ҳар кунинг Наврўз бўлсин, Ҳамиша толеъинг феруз бўлсин» мисралари муаллифи — 9,20,2,19,5,16.

6. Ўзбек халқ мақоли:
Меҳнат қилсанг кўксинг 7,9,13,
Ҳурмат қилсанг дилинг боғ.

Энди шаклдаги рақамларни жавоблар асосида тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Шундан кейин шаклнинг эгри чизиқларини соат мили йўналиши бўйлаб нуқтали чизиқлар қаршисидаги ҳарфларни кетма-кет ўқинг. Бунда Узбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Наврўз нашидаси» шеъридан тўрт мисра аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

СУМАЛАК

Кўпгина мамлакатларнинг машҳур овқатларидан ҳисобланади. Ширин ва лаззатли. Уни тайёрлаш санъати қуйидагича: аввало яхши буғдой донидан олиб тозаланади, сўнг сувда ивитилади, тахта устига ёки ёғочдан қилинган хонтахта ёхуд бошқа нарсалар устига ёйиб қўйилади. Қалинлиги эса уч-тўрт бармоқ миқдорида бўлиши лозим. Сўнг устига зигирдан қилинган бирор мато ёпиб қўйилади. Кўклаб униб чиққунча ҳар куни сув сепиб турилади. Тўрт-беш бармоқ бўйи ўсгач, қирқиб олинади, янчилади ва суви йиғиб олинади. Қадимий усул бўйича, унинг тозаланган суви қозонга солинади ва кучсиз оловда қайнатилади. Ғоҳ-ғоҳ унга муз парчалари ташлаб турилади.

Ҳозирда халқ орасида амалда бўлган янги усул қуйидагича: унинг тоза суви нисбатан учтўрт вазн оғирликдаги тоза ун билан катта қозонда етилгунча ва хом таъми баратараф бўлгунча оҳиста қайнатилади. Баъзилар бодом, писта ва ёнғоқ мағзини янчмасдан, баъзилар эса пўсти билан солиб юборадилар. Етилиб пишгандан сўнг бир оз вақт устини ёпиб қўйиб, дам берадилар, сўнг идишларга солиб истеъмол қиладилар. Жуда лаззатли ва тотли бўлади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
(«Хислатли, хосиятли Наврўзим» китобидан).

ТЎРТЛИКЛАР

Меҳринг гўзал қилар кўзингни,
Ақлинг ширин этар сўзингни.
Дилда қолгунг, бахшида этсанг
Яхшиликка агар ўзингни.

*

Зумрад шабнам гуллар юзида,
Эъзозланур мисоли зиё.
Эътиқоди рўшнолик бўлган,
Инсон қалби қуёшдир гўё.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ,
Иштихон туман халқ таълими бўлими ходими.

***

Сайёҳсан ай инсон ёлғон дунёга,
Адоватда зинҳор умр ўтказма.
Бардош бирла етгунг ҳар гал зиёга,
Рост сўзла, ўзгага озор етказма.

Абдусалим ЭГАМШУКУРОВ,
Тошкент Доришунослик институти толиби.

Саҳифани Икром ИСКАНДАР тайёрлади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Олимжон Ҳайит.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0141. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6